



Кремль девори ёнидаги кабрстон кўп йиллар давомида Кизил майдоннинг ажралмас қисмига айланди ва Совет даврида энг муносиб шахсларнинг рамзий "кизил кабри" бўлди. Кремль девори ёнида ва унинг ичида жами 400 га яқин турли шахслар — рус ва хорижий инкилобчилар, партия арбоблари, ҳарбий кўмондонлар ва мамлакатнинг машҳур фуқаролари дафн этилган. Бирок кам одам биладики, Кремль девори ёнидаги бу кабрстон болшевиклар даврида эмас, балки анча олдин пайдо бўлган ва бу ҳудуддаги қадимги кабрстонга бир неча юз йил бўлган.

Москвада Кизил майдон нафакат гавжум савдо маскани ва мамлакатнинг энг катта бозорларидан бири бўлган, балки оддий кишлоқ кабрстони ҳам эди, бу ерда барча аҳолини, уларнинг мансублигига қарамасдан, дафн қилишган. Православ анъаналарига кўра, инсон охириги манзилини ибодатхона ёнида топган, XVI аср бошларига келиб бу ерда жами 15 та черков бўлган.

Бора-бора бу анъана йўқолиб борди ва XX аср бошларига келиб, Кремль девори ёнида деярли дафн маросимлари ўтказилмай қўйди. Аммо 1917 йилги инкилобий воқеалар Москвадаги суқунатни бузди. Москвада Кремльга қилинган ҳужум Петербургдаги Кишки саройнинг босиб олинишидан кўра кўпроқ қурбонлар олиб келди. Шу боис, инкилобдан сўнг Кизил майдонда тарихда илк бор жамоавий дафн маросими ўтказилди.

Кизил кабрстон. Кремль девори ёнидаги тарихий дафнлар

1917 йил 8 ноябрда Кремль девори ва трамвай йўллари орасида, Никольск ва Спасск

дарвозаларигача, икки жамоавий кабр казилди. Икки кун ўтиб, инкилоб учун жон берган 238 "инкилобчилар" жасади шу ерга дафн этилди. Улардан тарихчилар факат 57 нафарининг исмини аник билишади, колганлари эса номсиз колган.

1918 йил март ойида болшевиклар ҳукумати Москвага кўчиб ўтди ва Кремль ўзларининг қароргоҳига айланди. Кизил майдон энди инкилобий кабристон сифатида ҳам фойдаланила бошланди. Жамоавий дафн маросимлари яна давом эттирилди ва 1927 йилгача бу ерда 15 та кўшимча кабр казилди. Бу кабрларга факатгина Фукаролик урушида халок бўлганлар эмас, балки офатларда халок бўлганлар ҳам дафн килинди.

Кремль деворидаги шахсий дафнлар

Энг машхур болшевиклар алоҳида дафн килинган бўлиб, биринчи шундай шарафга сазовор бўлган атеист террорчи Яков Свердлов бўлган. Унинг ортидан боскинчи Михаил Фрунзе, Феликс Дзержинский, Калинин, Жданов, Сталин, Ворошилов, Будённый ва бошка атеист совет раҳбарлари ҳам Кремль деворига дафн килинган. Кизил майдондаги алоҳида шахсий кабрлар сони 12 тани ташкил этади. Бу кабрлар орасида энг охиргиси Константин Черненконинг дафнидир.

Баъзи таникли шахсларни кремация килишган ва уларнинг куллари Кремль деворидаги Коммунарлар деворида сакланган. Бугунги кунда ушбу қисмда 114 та шахснинг куллари бор.

Кремль мавзолейи ва ҳеч амалга ошмаган пантеон лойиҳаси

Кремль кабристонининг марказий объекти Ленин мавзолейидир. У аввал ёғочдан қурилган бўлса, 1930 йилда унинг гранитдан муқим мавзолейи қурилди. Уруш даврида мавзолейни ҳужумлардан саклаш учун катта мато билан тўсиб қўйишган, аммо Ленин жасади уруш бошида Тюменга қўчирилган эди.

1953 йилда Сталин вафот этганидан сўнг унинг жасади вақтинча Ленин мавзолейига қўйилди. Ўшанда Москвада барча буюқ совет арбоблари кабрларини ўзида жамлайдиган Пантеон қуриш режалаштирилган эди. Лекин 1956 йилда шахсга сизиниш танкид килиниши билан бу гоё бекор килинди, Сталин жасади мавзолейдан олиб чиқилди ва Кремль кабристонига дафн килинди.

Давлат ҳимоясида

1974 йилда некропольга расман давлат муҳофазаси остидаги ёдгорлик мақоми берилди. Кабристонни яхши ҳолга келтиришди, янги арчалар ўтказилди, жамоавий кабрлар қайта тикланди, гранит байроқлар ва мармар вазалар ўрнатилди.

1990 йилда биринчи ва ягона марта некропольни бутунлай йўқ қилиш ҳавфи пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситалари Кремль кабристонига дафнларни оддий кабристонга қўчириш масаласини жиддий муҳокама қилган эди. Бирок, қонунга қўра, марҳумлар қариндошларининг розилигисиз кабрларга тегиш мумкин эмас эди. Уларнинг

эса кўчиришга карши бўлганликлари аник бўлди — Кремль девори ёнида дафн килинганларнинг 12 нафар бевалари ва авлодлари кабрларни саклашни сўраб ариза ёзди. Улар некрополни "400 дан ортик кишининг шарафли ва абадий хотира маскани" деб аташди, бу кишилар Россиянинг шон-шухрати ва ифтихорини ташкил этади.

Бугунги кунда "кизил кабристон" хавфсиз холда — 1990 йиллар охирида Мавзолей ва Кремль деворидаги кабрлар Кизил майдон ансамблининг бир қисми сифатида ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси объектига айланди. Демак, келажакда ҳам некрополни кўчиришга оид гап-сўзлар факат муҳокамалар бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Атеист, босқинчи ва террорчиларнинг кабрстонини йўқ қилиш давр талабидир.

Абу Муслим тайёрлади